

УДК 631.6: 631.8: 628.179 (999.1)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКПОРТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Erkinov Shohjaxon Dilmurod o'g'li
Raqamli iqtisodiyot.

Ibragimova Madina Farxod qizi
Agrologistika va biznes fakulteti, Buxgalteriya hisobi,
tahlil va audit yonalish. 2-kurs.

Umirzoqov O'rolbek Yorqul o'g'li
Toshkent Davlat Agrar Universteti Agrolagistika va Biznes fakulteti
Marketing yonalishi 4 kurs talabasi.

Djorayev Ilhom Raimjon o'g'li
Toshkent davlat agrar universteti Agrolagistika va biznes fakulteti
axborot tizimlari va texnologiyalari yonalishi 3-kurs talabasi.

Аннотация: Республикамиз иқтисодиётини ривожланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш жуда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш эса ўз навбатида унинг ўзига хос жиҳатларини талаб этади. Бугунги кунга келиб бу борада соҳани ривожлантиришда жуда кўплаб чора тадбирлар олиб борилмоқда.

Таянч иборалар: экспорт, иқтисодий самарадорлик, экспорт салоҳияти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Аннотация: Экспорт сельскохозяйственной продукции играет очень важную роль в развитии экономики нашей республики. Совершенствование системы экспорта сельскохозяйственной продукции, в свою очередь, требует своих специфических аспектов. На сегодняшний день в связи с развитием отрасли предпринимается множество мер.

Ключевые слова: экспорт, экономическая эффективность, эффективность экспорта, аграрная экономика, сельскохозяйственная продукция.



Abstract: The export of agricultural products plays a very important role in the development of the economy of our republic. Improving the system of export of agricultural products, in turn, requires its specific aspects. To date, many measures are being taken in this regard in the development of the sector.

Key words: export, agricultural products, economic efficiency, export efficiency, agricultural economy.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг самарадорлиги жаҳон хўжалигининг байналминаллашуви, миллий иқтисодиётнинг очиклиги, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, янги мультимедиа ва ахборот – коммуникация технологияларининг жорий қилиниши ва халқаро алоқалар соҳасида қарорларни қабул қилиш билан баҳоланган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида экспорт фаолиятини либераллаштириш ва енгиллаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификациялаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ҳамда мобиллигини таъминлаш республикамиз компаниялари олдида ташқи бозорда мустаҳкам ўрнашиб олиш каби ўта муҳим вазифани юклайди.

Ҳаракат дастурида қуйилган ушбу вазифани ҳал этишда иқтисодиёт ривожини жадаллаштирувчи омиллардан бири бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Илғор ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналарнинг барпо этилиши саноатнинг янги тармоқларини ўзлаштириш, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотларни тайёрлашни кўпайтириш, пировардида экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилади. Бу ўринда гап фақат экспорт ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари ҳақида бораётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида



“Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, “ноу-хау” намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир” – деб таъкидлаган эди. Шу маънода, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида корхоналарни бошқаришнинг муҳим концепцияларидан бири бири бўлиб маркетинг фаолияти майдонга чиқмоқда. Мақсадга мувофиқ ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулотларни сотиш бозорларидаги вижудга келувчи вазиятларга тезкорлик билан жавоб беришда ва охир-оқибат рақобат курашида ғолиб чиқишда маркетинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу жиҳатдан олганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариэкспорти билан шуғулланувчи компания маркетинг тадқиқотини самарали ташкил этиши, ҳар бир бўлинманинг фаолиятини энг юқори натижаларга йўналтириши лозим. Халқаро савдодаги кучли рақобат эса компаниялардан халқаро маркетинг тамойилларига асосланган ҳолда қарорлар қабул қилиш, ташқи бозор эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда юқори молиявий натижаларга эришишни таъминлайдиган замонавий халқаро маркетингтадқиқотини шакллантиришни талаб этади.Ўз навбатида халқаро маркетинг тамойиллари ва тадқиқотлари жиддий билим ва кўникмалар талаб этадиган усулларга таянади.Замонавий бозорда, маркетинг нафақат аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни (ҳаракат) амалга ошириш учун қўлланма, балки “замонавий бизнес фалсафаси”дир. Бу нуқтаи назарга кўра, маркетинг ҳозирда хўжалик фаолиятининг яхлит механизмида, шу жумладан ички ва ташқи иқтисодий режалаштиришда марказий ўринда туради[2].

Тадқиқот методологияси: Компания қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида халқаро маркетинг воситаларидан тўла-тўқис фойдаланади. Компаниялар халқаро маркетинг усулларида фойдаланган ҳолда хорижий мамлакатлар бозорида ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш доирасида рақобат позицияларини мустаҳкамлайдилар. Халқаро маркетинг ташқи



иқтисодий фаолиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида ташқи иқтисодий фаолиятнинг хусусиятларини, кўламини ва эҳтиёжларини ўзида ифода этади[3] ва истеъмолчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда компаниянинг ишлаб чиқариш ва савдо тизимини қайта ташкил қилади ҳамда тартиб солади.

Халқаро маркетингнинг сўнгги натижага асосланган ушбу тамойили бир қатор ўзига хос жиҳатларни ўз ичига олади[4]:

- ташқи иқтисодий фаолиятда компания маҳсулотларига бўлган (хизмат) хорижий истеъмолчиларнинг реал талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқаришни сўнгги натижага йўналтириш;

- ташқи бозор ва истеъмолчилар эҳтиёжлари асосида маркетинг фаолиятида узок муддатли натижаларга интилиш;

- компания маркетинг тадқиқотларини маҳсулот сифатини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилиши ва мунтазам тарзда тизимли асосда ташкил қилиш;

- маҳсулотларни хорижий истеъмолчига етказиб беришнинг самарали логистикасини ишлаб чиқиш;

- потенциал истеъмолчилар талабларини инобатга олган ҳолда уларга таъсир этишнинг стратегик ва тактик усуллари яхлит тарзда қўллаш;

- маҳсулотнинг ҳаётлик даври билан боғлиқ барча жараёнларни илмий-ишланмалар, ишлаб чиқариш, савдо-сотик жараёнларни мақсадли тартибга солиш;

- компания ташқи муҳитида, истеъмолчилар, мол етказиб берувчилар, рақобатчилар билан боғлиқ ўзгаришларга тезкор ва аниқ ҳозиржавоб бўлиш;

- ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулотларни турини узлуксиз, ўз вақтида янгилаб бориш;

- ташқи бозорда мустаҳкам ўрнашиб олиш мақсадида компания ва рақобатчиларнинг устувор ва заиф жиҳатларини аниқлаш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш

- компания маҳсулотининг ютуқли томонларини ривожлантириш, ташқи бозордаги реклама ва тарғибот ишларини ҳамда ишлаб чиқаришни шу йўналишда ташкил қилиш;

- ташқи бозорга фақат юқори сифатли маҳсулотлар етказилиб берилишини муттасил назорат қилиш;

- компания маҳсулотларининг ўзига хос жиҳатларини тўла намоён қилувчи техник кўрсакичларини яхшилаш, истеъмолчига янги турдаги маҳсулот таклиф қилиш билан бирга қўшимча хизмат имкониятларни етказиб бериш;

- дилерлик шаҳобчаларини фаолиятини ташкил қилиш ва ҳамкорликни самаралилигини таъминлаш учун улар билан доимий алоқада бўлиш;

- компания маркетинг хизмати олдида маҳсулотларни бозорда силжитиш, ташқи бозорда кучли позицияни эгаллашга, юқори савдо ҳажмини ошириш, салоҳияти катта бозорларни излаб топиш масаласини қўйиш.

Компаниянинг ташқи бозорда, хусусан бевосита хорижий истеъмолчига таъсир ўтказиш тадқиқотида турли мақсадларни режалаштирган мулкдорларива уларнинг бошқа субъектлари иштирок этади. Маркетинг тадқиқотларининг типологияси куйидагича шакллантирилганлигини қайд этиш мумкин[5]:

- ташқи бозор тадқиқоти;
- истеъмолчиларни тадқиқ қилиш;
- компания реклама/ахборотларининг самарадорлигини баҳолаш тадқиқоти;
- бренд тадқиқоти;
- корпоратив ишбилармонлик репутацияси тадқиқоти;
- ички корпоратив тадқиқоти.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий экспорт маҳсулотларидан ҳисобланади. Ҳар йили 500 млн. АҚШ доллари атрофида Ўзбекистон заминида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари хориж бозорларида сотилмоқда.



Хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кенгайиши Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошишида асосий омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Республикада ташқи савдо айланмаси 2021 йил январ-декабр ойларида 27,0 млрд. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт 14,0 млрд. АҚШ долларини ва импорт 13,0 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси салдоси 945,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Охирги йилларда Республиканинг экспорт таркибида қарийб барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиш кўзатишмоқда. 2017 йил январ-декабр ойларида ташқи савдо айланмаси салдоси 945,5 млн. АҚШ долларни ташкил қилди, шундан МДХ давлатлари билан 809,5 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан 136,0 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ўзбекистонда 2021 йилда маҳсулотларни етиштириш ва экспорт қилиш кўрсаткичлари.

1-жадвал

Маҳсулот тури	Маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажми (минг т.)	Шу жумладан, махсус районларда (минг т.)	Маҳсулот етиштиришда махсус районларнинг улуши (%)	Экспорт (минг тн.)	Шу жумладан, махсус районлар экспорта (минг т.)	Экспортда махсус районларнинг улуши (%)
Сабзавотлар				368,8	268,8	72,8
Шу ж. дуккакдилар	12842,9	6783,6	52,80	195,5	150,6	77,03



Мевалар				369,3	288,6	78,15
Шу ж. куритилган маҳсулотлар	3429,3	1815,0	53,00	178,0	141,9	79,72
Узум	1926,4	1142,8	54,00	154,9	126,6	81,73
Полиз маҳсулотлари	2422,4	793,9	54,00	10,9	6,1	55,96
Жами:	20620,9	10535,3	51,1	1277,	982,6	76,92

Манба: “Ўзбек озиқ овқат холдинг” ХК сининг ҳисобот маълумотлари асосида тўзилган.

Юқоридаги жадвалда 2021 йилда етиштирилган маҳсулотлар ва экспорт қилинган маҳсулотлар кўрсаткичлари умумий ҳажми 20620,9 минг тоннани ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;



- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари манфаатларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда ҳимоя қилиш;
- экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларнинг транспортда ташиш харажатларини камайтириш.

Аграр соҳани таркибий ислоҳ қилиш асосида қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва назарий асосларини ўрганиш кўйидаги хулоса ва таклифларни шакллантиришга имкон яратади.

1. Озиқ - овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатлари иштирок этмоқда. Сўнгги йилларда дунёда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хом ашёнинг тўртдан бир қисми халқаро савдога чиқарилаётганлиги ҳам бундан далолат беради.

2. Жаҳон бозорларини таҳлил қилиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиниши мумкин бўлган, яъни талаб юқори бўлган маҳсулотлар турларини ва миқдорини аниқлаш;

- жаҳон озиқ-овқат бозорлари конъюнктураси таҳлил этилиб, бунда жаҳон озиқ-овқат бозорларида мавжуд потенциал рақобатчиларнинг устунлик ва заифлик томонларини чуқур ўрганиш;

- озиқ-овқат санати корхоналарига маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишловчи замонавий технологияларни жорий этиш буйича кургазма савдоларини мунтазам равишда ўтказиб бориш.

3. Ўзбекистон халқаро интеграция жараёнларида фаол иштирок этиши учун куйидаги муаммоларни ҳал қилишимиз даркор:

- экспорт структурасида тайёр маҳсулот ҳажмини ошириш керак. Бунинг учун эса миллий иқтисодиётимизга сармоя жойламоқчи бўлган маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга турли имтиёз ва преференциялар бериш зарур;

- экспортни молиялаш, кредитлаш ва суғурталаш сингари экспортёрларга ёрдам берувчи давлат рағбат тизимини ташкил қилиш керак;



- божхона тизимидан камситувчи(дискриминацион) тўсиқларни олиб ташлаш орқали самарали савдо режимини ташкил этиш керак.

4. Аграр соҳада экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш:

- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин ўсишига олиб келади;

- мамлакат валюта тушуми барқарорлигини таъминлайди;

- маҳсулотларга бўлган ички нархларни муайян даражада саклаб туриш орқали деҳқон ва фермер хўжалиklarини молиявий жиҳатдан қўллаб - қувватлайди.

Таҳлил. Одатда, компанияда маркетинг тадқиқотини амалга ошириш вазифалари транспорт, молия, бухгалтерия каби бошқа турли бўлимларга тақсимланади.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро савдога тобора кичик-кичик компаниялар кириб боришлари йирик компанияларни ташқи бозордаги позициясига жиддий таъсир кўрсатиб келяпти. Йирик ва кичик компанияларнинг бозордаги тактик ва стратегик вазифалари турлича бўлиши мумкин: талабни кучайтириш ва шу асосда ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштириш, маҳсулотларни истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига қараб техник имкониятларини ўзгартириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, компаниялар ташқи бозорга чиқиш билан боғлиқ бўлган турли рискларга барҳам беришлари ёки уларни пасайтиришлари керак. Бунда турли сегментлардаги харидорларнинг ҳолати, маҳсулотларнинг ҳаётлик босқичини ташқи бозордаги талабни ошириш ҳисобига узайтириш, бозордаги позицияларни рақобатчилардан ҳимоя воситаси сифатида диверсификациялаш, сарф-харажатларни камайтириш, мамлакатнинг қиёсий устунлик имкониятларини татбиқ қилиш асосий мезон ҳисобланди.

Хулоса. Юқоридагиларда келиб чиққан ҳолда, республикамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланувчи компанияларининг ташқи бозордаги фаолияти муваффақиятли бўлиши замирида халқаро маркетинг тамойилларига тўлиқ риоя қилиш билан бирга оқилона маркетинг тадқиқотини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринади.

Фойдаланилган адабиётлар:



12. Ш. Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятини кундалик қондаси бўлиши керак” Т.: Ўзбекистон, 2017.

13. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.

14. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.

15. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь, 1-бет.

16. Барсукова С. В. Международный маркетинг: проблемы и перспективы развития // Вестник Финансового университета, 1999, №3

17. Шибяев М. А., Забудьков В. А. Глобализация мировой экономики как предпосылка развития международного маркетинга // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2015, № 5-1.

18. Касаткина Е. А., Градобоев В. В. Основные черты международной маркетинговой политики в современных условиях. Транспортное дело России, 2012, №6-1

19. Шейман С. В. Нужны ли бизнесу маркетинговые исследования// Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. № 4 (84). 2007

20. www.gov.uz

21. www.press-service.uz

22. www.fao.org